

« » 2022 йил

Наманган шаҳри

«OYDIN PLAZA» унитар корхонаси (кейинги ўринларда «Хизмат кўрсатувчи» деб юритилади) номидан низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.М.Ахмаджанов бир томондан, ҳамда Ҳасанот идрисов Божи (келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Ш. Мўминов иккинчи томондан куйидагича шартнома туздилар.

1. Шартнома предмети ва суммаси.

1.1 «Бажарувчи». «Буюртмачи» га меҳмонхона хизматларини кўрсатиш «Буюртмачи» эса кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

1.2 Кўрсатилган хизмат ҳақи ҳар бир ҳолатда Буюртмачи томонидан буюртма берилган кун амалда бўлган меҳмонхона прејскуранти (нархномаси) буйича белгиланади.

1.3 «Буюртмачи» чет эл фуқаролари учун буюртма берганда, меҳмонхонада чет эл фуқаролари учун белгиланган меҳмонхона прејскуранти (нархномаси) буйича белгиланади.

1.4 Ҳар бир буюртма буйича хизмат ҳақининг умумий суммаси буюртмада кўрсатилган умумий хизмат кўрсатиш муддати ва меҳмонхона прејскурантидан келиб чиқиб ўзаро келишилган ҳолда ҳисобланади.

1.5 Умумий шартнома суммаси сёт фактурага асосан амалга оширилади.

2. Тўлов шартлари.

2.1 «Буюртмачи» кўрсатилган меҳмонхона хизматлари учун тўловни «Бажарувчи» га ҳисоб варақ фактура ҳужжатлаштирилган кундан бошлаб 10 кун ичида пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан ҳисоб китоб қилади. Агарда «Буюртмачи» тўловларни газна орқали амалга оширса олдиндан 30% ли, сунг 10 кун муддат ичида қолган 70% ли тўловни амалга оширади.

2.2 Олдиндан тўланган пул суммасидан ортиқча хизмат кўрсатилганда «Бажарувчи» томонидан ёзилган ҳисоб-фактура тақдим этилгандан сўнг «Буюртмачи» томонидан 10 кун ичида хизмат ҳақи тўланади.

2.3 Меҳмонхона хизмати юридик шахслар ўртасида фақат шартномага асосан пул ўтказиш ёки нақд пулни кассага кириш қилиш йўли билан амалга оширилади.

2.4 Кўрсатилган хизмат учун тўлов нархлари томонлар келишуви асосида №1-сонли иловага асосан белгиланади. Чет эл ҳамда МДХ давлатлари фуқаролари учун нархлар қиймати туристик йиғим қўшилган ҳолда белгиланган.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1 «Буюртмачи»ни барча мурожаатлари зудлик билан кўриб чиқиш ва 3 кун ичида қарор қабул қилиш;

3.2 «Буюртмачи» меҳмонхона ўрнатилган яшаш тартиб қоидаларига тўлиқ риоя қилади ва меҳмонхонадан фойдаланиш жараёнида ўз айби билан меҳмонхона жихозларига етказилган моддий зарарни тўлиқ тўлайди.

3.3 «Буюртмачи» миқозлар сони ва келиш кунини ҳақида «Бажарувчи»га 3 кун олдин ёзма равишда «Буюртма хати» орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади.

3.4 «Буюртмачи» хонадаги ишламай қолган сантехника ва бошқа жихозлар ҳақида «Бажарувчи»ни огоҳлантиради.

3.5 «Буюртмачи» меҳмонхона хоналарида санитария, техника хавфсизлиги қоидаларига ва меҳмонхона ички тартиб қоидаларига тўлиқ риоя қилади.

3.6 Меҳмонхонани тарқ этаётганда меҳмонхона хизматчисига хонани тўлиқлигича топширади.

3.7 Шартномага кўрсатилган сумма миқдориди ва белгиланган тартибда меҳмонхона ички-тартиб қоидаларига риоя қилган ҳолда хизмат курсатиш мажбуриятини олади.

4. Томонларнинг жавобгарлиги.

4.1 «Буюртмачи» меҳмонхона хизматидан фойдаланганидан сўнг такдим этилган ҳисоб фактурадаги суммани 10 кун ичида тўлиқ ҳисоб китоб қилинади. Агарда ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаса тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % фоиз миқдориди пеня тўлайди. Бунда пеня миқдори кўрсатилган хизматлар суммасини 50 % фоизидан ошмаслиги керак.

4.2 «Буюртмачи» ёзма буюртма асосида олдиндан жой (номер) банд (брон) қилгандан сўнг ушбу жойдан банд (брон) қилинган кунларда фойдаланмаса (бир кун олдин банд қилинган жойни бекор қилиш ҳақида ёзма хабар бермаган бўлса) банд (брон) қилинган жой (номер)ни 1-чи кун учун перескурант бўйича тўлиқ ҳақини тўлайди. Кейинги кунлар учун банд (брон) бекор қилинган ҳисобланади.

5. Форс-мажор ҳолатлари.

5.1 Табиий офатлар (ёнгин, сув тошқини, ер қимирлаш ва хоқоза) содир бўлганда томонлар мазкур шартнома мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод этиладилар. Бундай ҳолларда «Буюртмачи» ҳам «Бажарувчи» ҳам бир бирларидан компенсация ва бой берилган фойдани талаб қилишга ҳақли эмаслар.

5.2 Табиий офатлар рўй берганда томонлар зудлик билан мазкур шартнома мажбуриятларни бажара олмасликлари ҳақида хабардор қиладилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби.

6.1 Мазкур шартнома шартларига риоя қилмаганда шартнома шартларини бузган ёки бажармаган томон Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунга асосан жавобгар бўладилар.

6.2 Мазкур шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича барча низоли масалалар томонларни ўзаро келишув йули билан ҳал этилади. Агарда ўзаро келишувга эришилмасанизоиктисодий суди орқали ҳал этилади.

7. Шартномага қўшимча ўзгартириш тартиби ва муддати.

7.1 Шартномани бир томонлама ўзгартириш мумкин эмас. Мазкур шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар томонлари ўзаро келишувига асосан ёзма шаклда тузилиб имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

7.2 Шартнома иккала томон имзолангандан сўнг кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача қонуний кучга эгадир.

7.3. «Хизмат кўрсатувчи» томонидан курсатиладиган хизматлар нархларида ўзгариш булганда шартномага қўшимча илова қилишлари мумкин.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари.

Хизмат кўрсатувчи	Буюртмачи
«OYDIN PLAZA» УК	
Манзил Наманган ш.А.Темур 97уй	Манзил;
Телефон: 69-233-28-88 97-571-88-88	Телефон;
E-mail:oydinplazahotel@gmail.com	E-mail:
X/P20208000205073800001	X/P
Банк АТ Ҳалқ Банк Наманган шаҳар филиали	Банк
МФО 00711 ИНН 306409189	МФО
ОКЎД 55100	ОКЎД
дир. Б. Аҳмаджанов	дир.



"OYDIN PLAZA" Унитар Корхонаси
 ва " " ўртасидаги " " 2022 йил
 № сонли Шартномасига асосан
 томонлар ўзаро куйидаги шартларга келишилди: (сўм хисобида)
НДС нархга киритилган

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган нархлар (НДС нархга киритилган)

Хона турлари	Ярим Люкс	Люкс	Бир ўринли стандарт	Икки ўринли стандарт	Апартамент
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган нархлар	1 киши учун: 380.000 2 киши учун: 500.000	1 киши учун: 480.000 2 киши учун: 600.000	220000	1 киши учун: 240000 2 киши учун: 400000	2.000.000

**2. Чет давлатлар фуқаролари учун белгиланган нархлар:
(Туристик йиғим нархга киритилган)**

Хона турлари	Ярим Люкс	Люкс	Бир ўринли стандарт	Икки ўринли стандарт	Апартамент
Чет эллик фуқаролар учун	1 киши учун: 480.000 2 киши учун: 600.000	1 киши учун: 580.000 2 киши учун: 700.000	320000	1 киши учун: 400.000 2 киши учун: 500.000	2.500.000

Бесплатно Безплатно

Ноушита, Wi-Fi, Автотураргоҳ, тренажер залива бассейн 6x 12x

Бажарувчи

"Oydin Plaza" UK



Ўзгартмачи



[Handwritten signature]



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OYDIN PLAZA" Unitar korxonasi

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OYDIN PLAZA" UK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.05.2019

721208

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306409189

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Unitar korxonasi

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 97-uy,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH
DAVLAT QO'MITASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SERTIFIKATLASHTIRISH
MILLIY TIZIMI



“TURIZM XIZMATLARINI SERTIFIKATLASHTIRISH MARKAZI” DUK

MUVOFIQLIK SERTIFIKATI



Sertifikatlashtirish milliy tizimining
Davlat reestrda ro'yxatdan o'tkazish

№ UZ.SMT.02.361.013534
Ro'yxatga olish sanasi: 2019 yil 3 oktyabr
2022 yil 3 oktyabrgacha amal qiladi

Namangan vil., Namangan sh, A.Temur ko'ch., 97 – uy manzilida joylashgan

“OYDIN PLAZA” mehmonxonasi

“OYDIN PLAZA” UK (Namangan vil., Namangan sh, A.Temur ko'ch., 97 – uy)
tomonidan ko'rsatilayotgan mehmonxona xizmatlarining O'z DSt 3220:2017
da belgilangan talablarga muvofiqligini tasdiqlaydi.

Joylashtirish vositasiga - toifasi berildi.

Sertifikat: 56 ta xona 108 ta joyga taalluqli.

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Sertifikat: 2019 yil 2 oktyabrdagi 1011 - sonli qaror asosida berilgan.

Markaz direktori



A handwritten signature in black ink, appearing to read 'N.N. Islomov', is written over the official seal.

N.N. Islomov



Мехмонхонада қўл тилда мулоқот қила оладиган ширинсухан ходимлар таъбингизга мос хизматни йўлга қўйишда муносиб қўмақдош

Европа ва Шарқона услуб уйғунлигида безатилган хона жиҳозланишидан завқ олинг. Овқатланиш учун қулайлик, кенг экранли телевизор, ёзув столи, ортопедик матраслар ва юмшоқ гиламлар

Яшаш учун энг яхши шaroит!



📍 г.Наманган, ул.Амир Темур 97
 📞 +998 (69) 233 28-88
 📠 +998 (97) 571 88-88
 ✉️ oydinplazahotel@gmail.com



OYDIN PLAZA
 HOTEL

OYDIN PLAZA

Бетакрор лахзалар учун!

Сиз афсонавий саройни хаёл қиляпсизми;
- замон талабларига мос интерьеръер ва
дизайнни кўришни хохлайсизми;
- жохон талаблари ва стандартдаги
хизматларни кўриш сизга ёқимлими;
OYDIN PLAZA га ташриф буюринг.

OYDIN PLAZA - замон талабига мос
интерьеръер ва дизайн.

Жохон талаби ва стандартдаги хизмат



Корпорация ва туристлар учун энг
қулай имкониятлар
ёки тўй саёхатлари давомда қисқа ва
узоқ муддатли турар жой учун бизни
танласангиз адашмайсиз

Шахарнинг исталган жойига тез ва
қулай бориш имконияти фақат бизда:
темир йўл вокзали,
“Афсоналар Водийси” ва марказий
савдо мажмуалари



Бизда бир пайтда **150** кишини қабул қилиш
имкониятига эга шинам хоналар мавжуд.
Сизнинг кайфият ва хохишингизга кўра
10 та бир кишилик, **40** та стандарт
2 кишилик, **7** та локс, **1** та апартамент,
банкет учун зал ва ресторан беиннат
хизмат қилишга шай.

Наманган - азиз - авлиёлар юрти,
Ўзбекистонда энг бозори тўкин маскан,
хилма-хил мазали таомлар
пишириладиган меҳмоннавоз шаҳар.